



**Зилола АМОНОВА**  
доцент  
филология фанлари номзоди  
Бухоро давлат университети



**Азиза МЎМИНОВА**  
мустақил тадқиқотчи  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети  
[azikamadi@mail.ru](mailto:azikamadi@mail.ru)

## **МАСЛАҲАТ ВА НАСИҲАТНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИ**

Мақолада маслаҳат ва насиҳат семаларининг Шарқ ва Ғарб халқларида ўзига хос тарзда ишлатилиши, айниқса, ўзбек ва француз тилларида ифодаланиш йўллари, шунингдек, ўхшаш ва фарқли томонлари кўрсатиб берилди. Ушбу муаммони ҳал этишда ўзбек ва француз тилидаги мисоллардан атрофлича фойдаланилади. Мазкур семалар халқларнинг ўз миллий урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, руҳияти билан боғлиқ эканлигига ҳам урғу берилди.

В статье рассматриваются особенности использования понятий «совет» и «наставление» народами Востока и Запада, их способы выражения и схожие и отличительные черты в узбекском и французском языках. Особенно выделяется взаимосвязанность данных сем с национальными обычаями, традициями, а также духовностью народов.

The article features the use of "advice" and "instruction" peoples of the East and the West, in particular means of expression, and their similar and distinctive features in the Uzbek and French. To solve this problem, carefully uses examples from the Uzbek and French. Especially highlighted the interconnectedness of these seeds with national customs, traditions and spirituality of the people.

**Калит сўзлар:** тил бирликлари, маслаҳат, насиҳат, расм-одат ундовлари, ҳис-ҳаяжон ундовлари, буйруқ-истак майли.

**Ключевые слова:** языковые единицы, совет, наставление, побуждение, выражение желаний, повелительное наклонение.

**Key words:** language units, advice, instruction, motivation, expression of desire, imperative mood.

Маълумки, нутқ жараёни сўзловчи ва тингловчи муносабатидан иборат. Одатда сўзловчи муайян бир воқеа-ҳодисалар тўғрисида тингловчига ахборот етказди. Шу билан биргаликда нутқий шароитдан келиб чиқиб, сўзловчига бирор-бир ишни бажариш ҳақида илтимос, таклиф, маслаҳат, насиҳат бериши ҳам мумкин. Мазкур ифодаларининг асл маъноси контекстда реаллашади.

Кўпгина тилларда маслаҳат ва насиҳат семалари “менимча, албатта, шубҳасиз, маслаҳатим шуки, айтар сўзим шуки” каби кириш сўз ва бирикмалар ёрдамида ифодаланади. Таъкидлаш жоизки, маслаҳат ва насиҳат семалари халқларнинг ўз миллий урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, руҳияти билан ҳам боғлиқдир. Айниқса, Шарқ халқларида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шу боис, Шарқ сўз санъатида панд-насиҳат руҳи устунроқ, у шуниси билан Ғарб адабиётидан фарқ қилади. Х асрдаёқ Абу Али ибн Сино Шарқ кўпроқ насиҳат йўли билан, Ғарб эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбиялашга мойиллигини қайд этиб ўтган эди. Ҳатто, Шарқ адабиётида “дидактик адабиёт” тушунчаси ҳам мавжуд. “Дидактика” – юнонча “дидактикос”, яъни “ибратли” сўзидан олинган бўлиб, “дидактик адабиёт” деганда насиҳат, ибрат, ўғит руҳидаги асарлар тушунилади. Масалан, “Пантачантра”, “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча”, Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” каби бир қанча асарларни санаш мумкин. Панд-насиҳат мавзуси Шарқ адабиётида кенг кўламда ёритилган бўлса, Ғарб адабиётида ҳам унинг ифодасини кўриш мумкин.

Демак, маслаҳат ва насиҳат семалари ғарб муомала маданиятида ҳам кўзга ташланади. Масалан, француз тилида мазкур семалар *маслаҳат бермоқ* ва *таклиф қилмоқ (conseiller va proposer)* феъллари орқали ифодаланади: *Масалан: Мен сизга ўз устингизда кўпроқ ишлашни маслаҳат бераман.* Француз тилида ҳам, шу мисолимизга ўхшаш мисолни учратиш мумкин. *Масалан: Je vous conseille de travailler sur soi.* Маслаҳат ва насиҳат бериш

ифодасини француз тилида *proposer* феъли билан ҳам берилиши мумкин. Айрим ҳолларда буйруқ кўринишидаги таклиф маслаҳатнинг нутқда ифодаланганлиги кўзга ташланади:

*Йигитликда йиғ илминг маҳзани,  
Қарилиғ чоғи харж қилгил ани(3,194).*

Француз тилида бундай турдаги жумлалар билан маслаҳатлар эмас, балки соф буйруқлар ифодаланади: – Бажар(-инг)!.. – Олиб бер(-инг)!.. – Бориб кел(-инг)!.. – Fais (faites) ... (cela)! – Ache(e)te(-z) ... (le)! – Passe(-z) ... (la-bas)...

Агар ўзбекча жумлаларда маслаҳат ёки таклиф маъноси ифодаланган бўлса, уларнинг французча муқобиллари, албатта, *si* боғловчиси билан бошланади. Масалан: *Si vous faisais votre travail comme il se doit...*

Айрим маслаҳатларда қатъийлик, мажбурийлик ифодасини кўриш мумкин. Бунда сўзловчи *албатта, шак-шубҳасиз, нима қилиб бўлмасин* каби кириш сўз ва бирикмаларни ишлатади. Француз тилида қатъийлик, мажбурийлик туси тегишли киришлар – *absolument* ва *sans faute* билангина эмас, балки инкор шаклидаги *manquer* феъли билан ҳам ифодаланади:

Масалан: *Absolument aller chez le médecin pour les primes! Шак-шубҳасиз, шифокор кўригига боринг! Ne manquez pas d' aller chez le médecin pour les primes!*

Қатъий суръатда бериладиган маслаҳатларда одатда *қатъий* ёки *ўтиниб* сўзлар келтирилади, шунингдек, ўзбек тилида қатъий илтимос содда ёки кўшма гап ҳолида бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай гапларда “ўтинаман”, “сўрайман” типдаги феъллар ҳам келтирилади: Масалан: “– *Эй, Аҳура! Сендан ўтинаман, ҳақиқат билан жавоб бер: Оёқларимиз остида тўшалган заминни ким яратди?*

– *Эй, Аҳура!.. Сендан ўтинаман, ҳақиқат билан жавоб бер:*

*Қай бир устоз ёруғлик ва зулматни яратди?(2,20).*

Француз тилида мазкур семалар ифодаланган гаплар содда гап бўлади ва *conseiller* дан ташқари, *vouloir* ва *tenir* а феълларини ўз ичига олади. Масалан: *Je veux vous conseiller de visiter votre sœur.*

Маслаҳатнинг қатъийлиги ва *албатта, шак-шубҳасиз, нима қилиб бўлмасин* қабалидаги киришларнинг ишлатилиши кўпинча суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатлар расмий хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Француз тилида айни ҳолда одатда *tenir* а феъли ишлатилади: Масалан: *Мен сизга, албатта, (шак-шубҳасиз, нима қилиб бўлмасин) болангизни шаҳарда*

*даволатишни маслаҳат бераман. Je vous conseille de traiter votre enfant a la ville. Je tiens a vous conseiller d' enfant a la ville.*

Рухсат бермоқ ва ижозат этмоқ феълларини ўз ичига олувчи маслаҳат ва насиҳатларда расмийлик янада кучли даражада ўз ифодасини топади. Ушбу гаплар *насиҳат қилмоқ, таклиф қилмоқ* ва *маслаҳат бермоқ* кўшма феъллари билан келади. Маслаҳат ва таклиф маъносидаги гапларда *маслаҳат бермоқ* ва *таклиф қилмоқ* феъллари орқали истак, хоҳиш маъноси ҳам берилади.

Ўзбек тилида таклиф, маслаҳат маъноси хушмуомалалик билан феълнинг хабар, буйруқ-истак майлларида ифодаланиши мумкин, бунда феъл тасдиқ ёки сўроқ-инкор шаклида қўлланилади. Масалан: “*Домлажон, ўтган гапларни қўй! – дедим. – Бугунни ўйлайлик. Бу ёзда бу ерларда дам олсак бўлармикан?*” (5, 32). Француз тилида ушбу ранг-баранг шакллар *Conditionnel present* да феълнинг инкор-сўроқ шакли билан ифодаланади. Масалан: *Ne pourriez-vous (pourrais-tu) pas le faire aujourd’hui? N’iriez-vous (irais-tu) pas au stade avec nous?*

Бундай турдаги гаплардан сўзловчининг ўз таклифини суҳбатдош билан бирга муҳокама қилиш истаги борлиги англашилиб туради.

Маслаҳат ва насиҳат семасининг янада қатъий бўлиши, ҳамда суҳбатдошини ишонтириш мақсадида сўзловчи *истамоқ, маслаҳат бермоқ, таклиф қилмоқ, насиҳат қилмоқ* феълларини ишлатади. Масалан: *Ўғлим, келажакда оқил фарзанд бўлишингни истардим. Сенга кўп китоб ўқишни маслаҳат бераман. Ёки Ўзингдан каттага доимо ҳурматда бўлишингни насиҳат қиламан.* Француз тилида бундай вазиятда тилак билдириш *aimer* ва *vouloir* феълларини *Conditionnel present* да асосан содда гапларда ва камдан-кам ҳолларда кўшма гапларда қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбек тилидаги *қила олмоқ* – *pouvoir* феъли сўроқ шаклида ишлатилса, муомала жараёнида маслаҳат янада хушмуомалалик, юмшоқлик, таъсирчанлик хусусиятини касб этади. *Мумкинми, мумкин эмасми* шахсиз оборотлари француз тилида *pouvoir* феълининг шахсли шаклида ифодаланади: Масалан: *Puis-je vous donner un conseil? Pourrais-je vous donner un conseil?*

Маслаҳат-насиҳатнинг қатъийлик даражаси пастроқ бўлган шакллари ҳам мавжудки, улар ўзбек тилида истак майлига, француз тилида эса – икки майл *Conditionnel present* ва *Subjonctif present* га таянади. Тилак ёки маслаҳатни хушмуомалалик, юмшоқлик билан ифодалаш учун *яхши эмас* ва *ёмон эмас* каби сифатларни тўлиқсиз феъл билан бирга қўллаган ҳолда

ифодалаш ҳам мумкин: *Таширф буюрсангиз яхши бўларди. Сиз ҳам фикр билдирсангиз ёмон бўлмасди. Ce serait bien si vous disez votre avis. Ce ne serait pas mal si vous.*

Демак, маслаҳат ва насиҳат маънолари ҳар бир тил доирасида ўзига хос тарзда, яъни тилнинг грамматик қурилиши жиҳати билан боғлиқ тарзда қўлланилади. Шунингдек, мазкур семалар халқларнинг ўз миллий урф-одатлари, анъаналари, қолаверса, руҳияти билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун Шарқ адабиётида яратилган асарларда кўпроқ панд-насиҳат руҳининг устунлигини кўрамыз. Чунончи, мазкур адабиётда яратилган айрим асарлар махсус бағишлов, яъни отанинг ўз ўғлига панд-насиҳатлари тарзда яратилган. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асарлари шулар жумласидандир. Айниқса, Кайковуснинг “Қобуснома” асарининг ҳар бир боби “Эй фарзанд” жумласи билан бошланиб, отанинг ўғилга берган ўғитлари келтирилган: *“Эй фарзанд, билгил ва огоҳ бўлгилким, Ҳақ таоло неъматининг шукри барча халқга фармон андозасигача вожиб эмасдур...”*(4, 19). Муаллиф ўқитларни шунчаки келтириш билан чекланмай, фикрининг исботи сифатида турли ҳикоятларни ҳам келтиради. Жомийнинг “Баҳористон” асарида ҳам ҳар бобда панд-насиҳат тарзидаги ҳикоятлар ва шеърий парчалар берилади: *“Ҳирот пирларидан Абдулла Ансорий ўз асҳобларига васият қилиб: “Ҳар тирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу қўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз”, дер эди*(1, 5).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган мисоллар ўзбек ва француз тилларида маслаҳат ва насиҳат семаларини ифодалашда муштарак ва тафовут жиҳатлар борлигини кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. Баҳористон. – Тошкент: Ёзувчи, 1997.
2. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XVI том. – Тошкент: Фан, 2000.
4. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол, 1994.
5. Умар Сайфиддин. Валинеъмат ҳикояси. Жаҳон адабиёти хазинасидан “Бадал” ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
6. Язовицкий Е. В. Говорите правильно. Эстетика речи. – Л.: Просвещение, 1969.
7. Blinkenberg A. Le problème de l'accord en français moderne: Essai d'une typologie. Kobenhavn: Munksgaard, 1950.